

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 26 январь • № 4 (1181)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 2017-2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) ўрта муددатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор “Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун” деган тамойил ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилиши ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий таътиб этилишига қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислохотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари**, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг muroжаатлари билан ишлаш бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди.

**Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси** давлат бошқарув тизимини тубдан ислох қилиш, “Электрон ҳукумат” ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирни қисқартриш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақо-

бат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

**Суд-ҳуқуқ тизимида** судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислох қилиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳалларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Илгари, асосан хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1 243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

**Иқтисодий соҳада** кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъ-

минловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомил янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харajatлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди.

Биринчи босқичда – узоқ муددатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармок, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда – тармок, ҳудудий ва мақсадли йўлҳалар портфелларини тuzиш, учинчи босқичда – ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

**Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар**, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлигини сақлашни кучайтириш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш, арзон ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда умумий тураржой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Тураржой қурилиш ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шаффоф механизмлари жорий этилди ва

(Давоми 2-бетда).

Хотира

## ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Шукрлар бўлсинки, ана шундай жаннатмонанд юртининг фарзандлари ҳамда ўзининг меҳмондўстлиги, меҳр-оқибати билан дунёга танилган ўзбек халқига мансуб эканлигимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.



ISLOM KARIMOV  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING  
BIRINCHI PREZIDENTI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмийда 2018 йил 17 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларини самарали олиб бориш ва ушбу санани ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференция алоқа тизими орқали вилоят ҳокимлари, олий ўқув юрталари ректорлари, “Нуроний” жағмармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди.

Маълумки, шу йилнинг 30 январь куни мустақил давлатимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрда қабул қилинган қарори асосида юртимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Ислам Каримов мақбара мажмуаси, Қарши шаҳрида эса Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб ҳайкал бунёд этилмоқда.

Шу билан бирга, Ислам Каримовнинг ғоят серқирра ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этиш бўйича кўплаб маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан айни шу мавзуга бағишланган ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қанча илмий-оммабоп китоблар, жумладан, Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари нашр этилмоқда. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Ислам Каримов хайрия жамоат фонди томонидан ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, март ойида Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказиш ва бошқа муҳим тадбирлар бўйича кенг кўламли ишлар йўлга қўйилган. Тинчлик, адолат, ватанпарварлик, болажонлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, бағрикенглик – ўзбегимнинг бу каби юзлаб ажойиб хислатларининг замирида эзгулик ётганини кўраемиз. Инсонни кадрлаш, ёши улугларни ҳурмат қилиш, ўтганларнинг яхшиликларини эслаш ҳам ана шундай миллий қадриятларимиздан биридир.

Халқимизнинг ана шу гўзал қадрияти бугун яна бир бор намойён бўлмоқда. Истиқлолимиз раҳнамоси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов вафот этганидан бунён у кишининг қабрларига

(Давоми 2-бетда).











## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати самарадорлигини, у томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг филиаллари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари шошилинч тиббий ёрдам бўлимларининг ҳамда тез тиббий ёрдам бригадаларининг моддий-техник базасини муостахкамлаш, шу жумладан, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ва қўшимча жиҳозлаш;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва худудий филиалларининг кадрлар, илмий ва техник салоҳиятини кенг жалб этиш йўли билан тизим учун тиббий

(Давоми. Боши  
6-бетда).

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси ва РШТЎИМ худудий филиаллари тез тиббий ёрдам станциялари қошида тез тиббий ёрдамни чақиришга мўлжалланган туну кун ишлайдиган, ягона телефон рақамининг узлуксиз фаолиятини таъминлайдиган Call-марказлар ташкил этиш белгиланган.

Шу билан бирга, Президентнинг қарори билан тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурида худудларга амалий ёрдам бериш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази мутахассисларининг минтақаларга мунтазам равишда чиқишларини ташкил этиш назарда тутилган.

Шошилинч ҳолатларда ташхис қўйиш ва даволашнинг янги, самарали технологияларини яратишга қаратилган истиқболли

йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, шу жумладан, интервенцион кардиология, кардиохирургия, нейрохирургия, микрохирургия, эндовидеохирургия усулларини кенг ва тизимли равишда жорий этиш;

шошилинч тиббий ёрдам тизимининг врачлари ва ўрта тиббиёт ходимлари, илмий ва илмий-педагогик кадрларини жаҳоннинг етакчи хорижий клиникаларида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

қарорнинг тегишли банди билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бир ой муддатда тиббиёт муассасалари раҳбарлари шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни асосиз равишда рад этгани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш вазифаси юклатилди.

Мутахассислар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар даражасини ошириш, шошилинч вазиятларда ташхис қўйиш ва даволашнинг янги истиқболли усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ушбу қарордан кутилаётган натижалар ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, даволаш жараёни самарадорлигини оширибгина қолмай, балки стационарда даволаш муддатларини ва ушбу мақсадлар учун сарф-харажатларни қисқартиришга хизмат қилади; фуқароларнинг малакали тиббий хизматларга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, тез тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратди;

тез тиббий ёрдам хизмати амалиётга замонавий илмий-тех-

ник воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш йўли билан унинг тезкорлиги, сифати ва самарадорлиги даражаси оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қарор ва у билан тасдиқланган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар шошилинч тиббий ёрдам тизимини, шунингдек, тез тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштиришда, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги даражага кўтаришда, илгор хорижий тажрибани амалиётга жорий этишда, соҳа мутахассис-олимлари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот фаолияти қўламлигини кенгайтиришда дастуриламал бўлади.

Сўз аҳоли соғлиги, инсонларнинг манфаатлари, халқнинг фаровонлиги ҳақида борар экан, ушбу масалалар доимо диққат-эътиборда бўлади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харажатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) иловига мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш билан шуғулланувчи туманлароқ диагностика лабораториялари худудий ОИТСга қарши курашиш марказлари таркибига киритилди ва марказларга ушбу лабораторияларни молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш ҳамда фаолиятга ташкилий-методик раҳбарлик қилиш юкналди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамоат ташкилотлари фаолияти ва ҳамкорлигини мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Давлат дастурига киритил-

ган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни ажратсин;

келгуси йилларда ретровирусга қарши препаратлар ва ОИВ инфекциясини юқтирган шахсларни даволаш самарадорлиги мониторингини олиб бориш учун зарур бўлган тест-системалар билан таъминлашга Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш босқичма-босқич олиб борилишини назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда ОИВ инфекцияси ва қўшимча касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун зарур бўлган диагностика умумлар ва тест-системаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижроси устидан мониторинг олиб борилишини ва ҳар чоракда амалга оширилган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботлар тақдим этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Ташқи ишлар вазир-

лиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грант маблағларини жалб этиш бўйича зарур чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ОИВ инфекциясининг олдини олиш, ташхис қўйиш ҳамда даволаш соҳаларида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича тизимли ишларни олиб бурсин, илмий ва инновацион тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига таъбиқ этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чеғараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Дин ишлари бўйича кўмита ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда ОИВ инфекцияси юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар, хусусан, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, мазиший хизмат кўрсатиш муассасалари ходимлари орасида ОИВ инфекциясининг профилактикаси бўйича тушунти-

риш-тарғибот ишларини ҳамкорликда амалга ошириш шартлигини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли орасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалалари бўйича ахборот-маърифий ишларни олиб бурсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича тармоқ режасини тасдиқласин ва бажарилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

даволаш-профилактика муассасалари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда стерилизация бўлимлари ва пунктларининг моддий-техника базасини муостахкамлаш, уларни замонавий аппаратлар ва асбоб-анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин;

даволаш-профилактика муассасалари

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 25 январь

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

(Давоми 8-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда кейинги йилларда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлашуви ва ОИВ инфекцияли шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдамнинг таъминланишига қарамасдан ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича бир қатор долзарб масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Хусусан, ОИВга қарши кураш марказлари ва туманлараро ОИВ диагностика лабораторияларининг моддий-техника базаси 2010 йилда янгиланганидан сўнг маънавий ва техник эскирган ҳолатга келган.

ОИВга қарши кураш хизмати вазиятни “реал вақт” режимида таҳлил қиладиган ва ўз вақтида ҳамда самарали тадбирларни белгилашга имкон берадиган ягона маълумотлар базасига эга эмас.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан беморни вирусга қарши даволашни, касаллиқнинг босқичдан қатъи назар, касаллик аниқланган кундан бошлаб тавсия этилганлигига қарамасдан ҳозирги вақтда фақат 47 % ОИВ инфекцияли беморлар касалликнинг ривожланган босқичига келиб даволанмоқда.

Антивирал терапияларни харид этишга давлат бюджетидан маблағ ажратилмагани сабабли, даволаш ишларида узилышлар бўлиши ва ОИВнинг антивирал терапия препаратларига чидамли штаммлари пайдо бўлиш хавфи мавжуд.

ОИВ инфекциясининг онадан болага юқиши олдини олиш учун ОИВ инфекцияли оналардан туғилган чақалоқларни 6 ойлик бўлгунга қадар сунъий сут аралашмалари билан таъминлаш масаласи ҳал этилмаган.

Хавфли гуруҳлар орасида

**(Давоми. Боши 7-бетда).**

олиб бориладиган профилактик тадбирлар фақат донорлик маблаглари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Кўрсатилган муаммолар Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан 2017 йилнинг 18 октябрида ўтказилган соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни амалга оширишнинг аҳволи ва келгусидаги вазифаларга бағишланган мажлисда муҳокама этилиб, ОИВ инфекциясига қарши кураш соҳасида кенг қамровдаги тадбирларга қаратилган Давлат дастурини ишлаб чиқиш топширилган.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларини замонавий ва янги сифат даражасига олиб чиқиш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори қўйидаги йўналишдаги мажмуавий чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутган.

ОИВ инфекциясининг тарқалиши сабаблари ва шартлоларини ҳудудлар бўйича мунтазам таҳлил этиш, миллий анъана ва маънавий-ахлоқий асосларини инобатга олган ҳолда аҳолининг кенг қатламлари орасида мазкур касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

ҳудудлар хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳаллий молиявий, моддий ва кадрлар ресурслари сафарбар қилинишини кўзда тутувчи ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар режаларини қабул қилиш;

мамлакатда ОИВ инфекцияси профилактикаси, тахҳис қўйиш ва уни даволаш соҳаларида маҳаллий илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ри-

вожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татиқ этишни таъминлаш, шунингдек, соҳа бўйича етакчи хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

ОИВ инфекцияси ва ёндош касалликларни аниқлаш учун замонавий диагностика умумлар ва тест-системаларни маҳаллий шaroитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шу жумладан, инвестицияларни жалб этиш ва давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш;

кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мазкур йўналишда етакчи халқаро таълим ва илмий муассасалар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликдаги илмий-амалий тадбирларни амалга ошириш;

юқори сифатли ретровирусга қарши дори воситаларини харид қилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш улушини босқичма-босқич ошириб бориш;

ОИВни юқтириб олганларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни кучайтириш, шунингдек, ОИВ инфекцияли оналардан туғилган болаларни куруқ сут аралашмалари билан узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш;

ОИВга қарши кураш муассасаларининг, шу жумладан, туманлараро ОИВ диагностика лабораторияларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича фаолиятни тизимли таҳлил этиш ва тадбирларни режалаштириш учун тиббиёт муассасалари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татиқ этиш.

Ушбу қарорни қабул қилиш ва амалга ошириш орқали қўллаб-қувватланадиган натижалар:

аҳолини ОИВ инфекциясига ва ёндош касалликларга тежирувлар билан қамраб олишни амалга ошириш орқали мамлакатда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемиологик вазият барқарорлашуви мустаҳкамлаш;

ОИВ инфекцияси диагностикаси ва даволаш тадбирлари самардорлигини ошириш, ОИВ инфекцияли шахсларда касаллик тахҳис тасдиқлаб, диспансер назорати олинган вақтдан бошлаб махсус даволаш стратегиясини амалга ошириш мақсадида ОИВ инфекцияли шахсларни ретровирусга қарши терапия билан босқичма-босқич қамраб олишни давом эттириш;

ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишига барҳам бериш ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бу борадаги сертификати эга бўлиш;

ОИВга ихтиёрий маслаҳат ва тиббий текширувдан ўтиш қамровини ошириш ва касаллик олдини олишнинг янги услулларини татиқ этиш, шу жумладан, олис ҳудудлар ва аҳоли гавжум жойларда кўчма лабораториялардан фойдаланиш, ОИВ масалалари бўйича индивидуал ва конфиденциал маслаҳатлар бериш учун “ишонч телефонлари”ни ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида ОИВ инфекцияси мавзусини ёритишнинг замонавий ёндашувларидан фойдаланиш, умумтаълим мактаблари, коллежлар ва олий таълим муассасалари ўқув дастурларига ОИВ инфекцияси масалаларини киритиш;

фуқаролик жамияти ташкилотлари, дин вакиллари етакчиларини ОИВ инфекциясига қарши курашиш соҳасидаги профилактика тадбирлари, ахлоқ-одоб мезонларини шакллантириш, хавфли ҳулк-атвор

шаклланишининг олдини олиш, ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларга нисбатан баргикенглик муносабатиде бўлиш борасидаги ахборот-маърифий тадбирларга жалб этиш;

статистик маълумотларнинг аниқлиги ва сифатли тайёрланиши ҳамда тадбирларни самарали амалга ошириш учун ОИВга қарши кураш хизматида ахборот алмашинувининг тезлиги ва самарадорлигини ошириш;

ОИВ инфекцияси диагностикаси ва беморларни даволашда сифатли, арзон диагностика умумлар, тест-системалар ва реагентлар таъминотининг узлуксизлигини таъминлаш;

даволашниги муҳтож ОИВ инфекцияли шахсларни антивирал терапия билан қамраб олиш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш; давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг ОИВ инфекцияли масалалари бўйича малакасини ошириш;

аҳолининг ОИВ инфекцияси масалалари бўйича хабардорлигини ошириш ва уларда ОИВ инфекцияли шахсларга нисбатан баргикенглик муносабатини шакллантириш.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши ОИВ инфекцияли шахсларни эрта аниқлаш, касаллик бошқаларга юқушнинг олдини олиш борасидаги профилактик тадбирларни тез амалга ошириш ва беморларни самарали даволаш ҳамда уларга зарур бошқа тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича янги сифатли босқич бўлиб хизмат қиладиган мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият олдига ОИВ инфекциясига қарши курашиш бўйича олган мажбуриятлари тўлақонли бажарилишини таъминлайди.



## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЭЪТИБОРДА

Бухоро тиббиёт институтининг педиатрия ва болалар хирургияси кафедраси вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази биносида жойлашган. 10 дан зиёд профессор-ўқитувчи фаолият юритаётган мазкур кафедра малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шaroитлар яратилган. Амалий машғулотларда талаба ва клиник ординаторларнинг назарий билими янада мустаҳкамланмоқда.

Тоҳир ИСТАТОВ  
олган суратлар. ЎзА.



**Газета муассиси:**  
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир**  
**Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ**  
**Бош муҳаррир ўринбосари**  
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

**Манзилимиз:** 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
**Тел/факс:** 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигиде 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатта олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 5385 нусха.  
Буюртма Г-137.

Газета «ШАРҲ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилади. Корхона маъноси: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табақ. Формати А3. Офсет усулиде босилган.

**Саҳифаловчи Баҳтиёр ҚҶШОҚОВ.**

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.